


9-20-2019

ANALYSIS OF LINGVOCULTURAL PHRASES IN THE MEDIATEXT

Navruza Yaxyayeva Teacher
Tashkent State University of Law

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>

 Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

Recommended Citation

Yaxyayeva, Navruza Teacher (2019) "ANALYSIS OF LINGVOCULTURAL PHRASES IN THE MEDIATEXT," *Philology Matters*: Vol. 2019 : Iss. 3 , Article 58.
DOI: 10.36078/987654365
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2019/iss3/58>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.



Наврўза Яхёева

Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси

МЕДИАМАТНДА ФРАЗЕМАЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАҲЛИЛИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада муаллиф оммавий ахборот воситалари матнида фраземаларнинг лингвомаданий таҳлилини илмий жиҳатдан ёритган. Тилдаги жараёнларнинг тўхтовсиз давом этишида ОАВнинг аҳамияти катта. Бу фақат янги ахборот технологияларининг татбиқ этилиши туфайли юзага келган ўзгаришлар билан эмас, балки умумий лисоний маданиятдаги сифат ўзгаришлар билан белгиланади. Нутқнинг функционал услубларини тадқиқ этиш, уларнинг лингвистик белгиларини аниқлаш, нутқ услубларида лисоний бирликлар функционал хусусиятларини очиш ва лисоний фактлар асосида уларни ажрата билиш замонавий тилшунослик олдида турган муҳим масалалардан ҳисобланади. Маълумки, фраземалар иккинчи номинация маҳсули саналиб, улар тўғридан-тўғри халқнинг, миллатнинг дунёқарашини ўзида ёрқин акс эттиради, яъни миллий-маданий ахборотни қабул қилиш ва уни хотирада сақлашда фраземалар ҳам асосий манбалардан бири саналади. Чунки фраземалар акс эттирган образлар миллий дунёқараш нормаси таркибига киради. Лингвомаданий тадқиқот доирасига кирувчи когнитив йўналиш нафақат когниция имкониятларидан фойдаланади, балки шаклланаётган фразема маъносига маданий маъно ҳам юклайди. Лингвомаданий йўналишда фраземалар бир неча тадқиқотлар учун объект вазифасини ўтаган. Шуларни ҳисобга олган ҳолда муаллиф медиаматндаги бир маданиятга хос бўлган фраземаларни мисоллар билан асослаган.

Калит сўзлар: медиалингвистика, ОАВ, медиаматн, фразема, лингвомаданият, интерпретация, мифологик образ, синхрон, диахрон.

Navruza Yaxyayeva

Teacher of Tashkent State University of Law

ANALYSIS OF LINGVOCULTURAL PHRASES IN THE MEDIATEXT

ABSTRACT

The article deals with the analysis of cultural linguistic phrases in the media text. Mass information plays an important role in the continuation of language operations. This is determined by the qualitative changes in the general linguistic culture, and not only by the changes that have occurred due to the introduction of new information technologies. One of the most important issues facing modern linguistics is the study of functional methods of speech, the definition of their language features, the disclosure of the functional features of language units in the style of speech and their division into language facts. It is well known that the phrase is a product of the second nomination, which directly reflects the national mentality and worldview of the nation. In other words, phrases are also one of the main sources for accepting and preserving national cultural information, because the reflection of phrases is part of the national norm. The cognitive tendency, which is part of linguistic research, not only uses cognitive abilities, but also realizes the cultural meaning of the formulated phrase. In the linguistic direction, phrases served as objects for several studies. Taking this into account, the author of the article gives examples of phrases in the media that are unique to culture.

Key words: media linguistic, mass media, media text, phrase, linguistic culturology, interpretation, mythological image, synchronous, diachronic.

КИРИШ

Бугунги кунда ОАВни ўрганишда комплекс ёндашувга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай таълимий-илмий йўналиш немис тилида **Medienwissenschaft**, инглиз илмий анъаналарига кўра эса, *medialinguistic* – **медиалингвистика** деб номланади. Тилшуносликдаги ушбу янги йўналиш остида медиаматнларни ўрганувчи турли соҳалар бирлаштирилди. “Уларнинг барчаси медианутқнинг уч миқёсида кўринади: сўзлардан иборат матн, видеоқатор ёки график тасвир миқёси, овоз жўрлиги миқёси (овозли ҳамоҳанглик)” [Тешабаева Д., 2012; 18-19].

Тилдаги жараёнларнинг тўхтовсиз давом этишида ОАВнинг аҳамияти катта. Бу фақат янги ахборот технологияларининг татбиқ этилиши туфайли юзага келган ўзгаришлар билан эмас, балки умумий лисоний маданиятдаги сифат ўзгаришлар билан белгиланади. Тилдаги жараёнларнинг тўхтовсиз давом этишида ОАВнинг аҳамияти катта. Бу фақат янги ахборот технологияларининг татбиқ этилиши туфайли юзага келган ўзгаришлар билан эмас, балки умумий лисоний маданиятдаги сифат ўзгаришлар билан белгиланади.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Оммавий ахборот воситаларинг асосий вазифаси тезкор маълумотни аҳолининг барча қатламларига етказишдир. “Оммавий коммуникация” ва “Оммавий ахборот” тушунчалари кундалик ҳаётимизда кўп ишлатилади. “Оммавий коммуникация” тушунчаси эса инглиз тилидан таржима қилинганда “mass communication”, моҳиятан “оммавий мулоқот” иборасига тўғри келади, бундай мулоқотда кўп кишилар иштирок этиши назарда тутилади. Бу ерда асосан, телевидение, радио, газета, журналлар назарда тутилмоқда. Бу термин илк маротаба Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият (ЮНЕСКО) муаммоларига бағишланган низомида расман қайд этилган. Оммавий ахборот воситалари фаолиятини ижтимоий томондан ўрганишнинг ўзгача анъаналари мавжуд. Рус тадқиқотчиларидан А.А. Брудний, Т.М. Дридзе, И.А. Зимняя, А.А. Леонтьев, Н.А. Рубакин, Т.Н. Ушакова, Ю.А. Шерковин, Г.С. Мельник, Г.В. Лазутина каби олимлар бу соҳада изланишлар олиб бормоқдалар. ОАВнинг вазифаси бўйича турлича фикрлар билдирилган. М. Горохов “журналистиканинг вазифаси ўткинчи ва тасодифий эмас, балки аниқ мақсадга йўналтирилган умумий ва қонуний характер касб этиши, ўзида мақсад ва воситаларини ифодалаш қайд этилган” [Горохов В.1970;3]. С.В. Труфанов матбуотнинг вазифаси омма онгига доимий, аниқ мақсадни кўзлаб таъсир этиш бўлиб, у синф манфаатларидан келиб чиқиб ижтимоий воқеликни ўзгартириш ёки сақлаб қолиш йўлида фаолият кўрсатишини таъкидлайди. Г.И. Хмара ОАВнинг кўйидаги вазифаларини ажратиб ўтди: 1. Информативлик (ахборот бериш). 2. Маърифат тарқатиш (маърифийлик). 3. Тарбиявий. 4. Йўналтириш ёки бошқариш. 5. Ҳузур-ҳаловат (гедонистический).

ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

Мақолада жаҳон ва ўзбек журналистика илмида синовдан ўтган қиёсий, социологик, мантиқий-экспериментал, ахборот-таҳлил, тизимли функционал ва адабий таҳлил усуллари асосида медиаматндаги фраземалар лингвوماданий таҳлил қилинди.

НАТИЖА ВА МУЛОҲАЗАЛАР

“Оммавий ахборот воситалари” тушунчаси этимологик мазмунинг асосий таркибий тузилиши “оммавий”, “ахборот”, “восита” каби сўзлардан ташкил топган мураккаб тизимга эга. ОАВ тушунчаси мазмунининг муҳим бўғини, аввало, “ахборот” иборасидир. Илмий муомалада “оммавий ахборот воситалари” [Воскресенский Ю. 2005;36] терминининг юзага келганига тарихан кўп вақт бўлмади. Хусусан, “ахборот” термини ХХ асрнинг ўрталарида мутахассис олим Клод Шенон томонидан муомалага киритилган.

Таъкидлаш жоизки, “ахборот” тушунчасига жорий қонунчилигимизда муайян даражада таъриф берилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонунида кўрсатилишича: “ахборот, бу – манбалари ва тақдим этилиши шаклидан қатъи назар, шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлардир”.

Ахборот, бу – коммуникациянинг мазмуний аспектидир. У коммуникацион жараёнга қўшилиб кетган ҳолда, ахборотни сақлаш, йиғиш, тарқатиш ва саралаш воситалари ва тармоқлари билан узлуксиз боғланган бўлиб, уларга доимий таъсир ўтказиши ва ўзи ҳам уларнинг таъсирида бўлади. “Ахборот ўз маъносида хабардаги “муҳим” маълумотлар бўлиб, улар аудитория томонидан ўзлаштиралаётган билимлар, меъёрлар, қадриятлар сифатида англанади ва шу билан аудиторияга таъсир ўтказиши” [Тростников В. 1980;14].

“Ахборот, бу – асраш, узатиш, ўзгартириш объекти бўлиб хизмат қилувчи маълумотдир” [Теория информации. 1964;5].

Ахборотни тақдим этишнинг энг муҳим шакллари билан бири матндир. В.З. Демьянков фикрига кўра, тил структураларининг ахборотни қайта ишлашдаги роли нутқ яратилиши ва идрок этилиши нуқтаи назаридан ўрганилади. Бунда нутқ яратувчи ва уни идрок этувчи субъектлар – сўзловчи ва тингловчига ахборотни қайта ишловчи тизим сифатида қаралади. Ахборотнинг вербал босқичига ўтишида ментал тузилма – концепт муҳим ўринни эгаллайди. Мазкур термин тилшуносликда ўтган асрнинг 80-йилларида *тушунча* сўзига синоним сифатида ишлатилган бўлса, унинг ҳозирги вақтдаги изоҳи кенгроқ маъно касб этганини кўриш мумкин.

Бугунги кунда медиалингвистиканинг олти асосий бўлимга ажралганини эътироф этиш мумкин. Улар мазмунан куйидаги мавзулар доирасида ўрганилади:

1. ОАВ тилининг тилдаги мавқеини аниқлаш ва уни тил – нутқ – матн дискурс парадигмаси нуқтаи назаридан тавсифлаш.

2. Медиадискурснинг функционал-услубий имкониятлари, матнларни уларда

тил ва тарқатиш канали (матбуот, радио, ТВ, интернет) асосий вазифаларининг бажарилиши даражасига қараб таснифлаш имкониятлари.

3. Медианутқ типологияси, оммавий ахборот матнларининг жанрларга кўра таснифи, матнларнинг асосий турлари (янгиликлар, ахборий аналитика ва шарҳ, публицистика, реклама)ни фарқлаш.

4. Медиаматлар асосий турларининг лингвостилистик хусусиятлари.

5. Медиадискурснинг экстралингвистик таркиби: медиаматларни яратиш, тарқатиш ва қабул қилиш, ижтимоий-маданий ва мафкуравий контекст, медианутқнинг талқиний хусусиятлари, метахабарнинг етказилиш хусусиятлари, маданий ва ўзига хос белгилар.

6. Индивидуал ва оммавий онгга лисоний ва медиавий таъсир ўтказиш (техник тарғибот, манипуляция, информацион сиёсат ва менежмент, жамоатчилик билан алоқалар усулларидаги лисоний жиҳатлар).

ОАВда вербал алоқанинг асосий шакли матн ҳисобланади. Луғавий ва функционал жиҳатларидан ОАВдаги матн фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари таҳлили, тилнинг икки ўзаро диалектик боғланган тарафлари бўлмиш – тил тизими ва нутқий фаолият ҳамда унинг маҳсули бўлган матнни ўрганишга асосланган.

Медиаматн таълимоти кўламли ва кўпмикёсли ҳодиса сифатида яна шундай барқарор хусусиятлар системаси билан ҳам бойитиладики, бу муайян медиаматнни унинг яратилиши, тарқатилиши ва лингвоформатлари жиҳатидан аниқроқ тавсифлаш имконини берилади. Мазкур система:

- 1) матнни яратиш усули (муаллиф ёки жамоа томонидан);
- 2) яратилиш шакли (оғзаки ва ёзма);
- 3) қайта ишлаб чиқариш шакли (оғзаки ва ёзма);
- 4) тарқатиш канали (ОАВ – матбуот, радио, телевидение, интернет).

“Матннинг жанр тури (янгиликлар, шарҳ, публицистика, реклама) каби хусусиятларни ўз ичига олади” [Сметанина С. 2008].

Медиаматннинг оммавий коммуникация воситаси эканлиги ҳақида ҳулосаларга келиш мумкин:

1. ОАВ матни бу – журналистнинг ижтимоий йўналтирилган фаолияти маҳсули бўлиб, матн унинг аудитория билан ўзаро алоқаси – коммуникацияси ҳисобланади ва тил системасининг амалга оширилишида журналистиканинг муайян ижтимоий-маданий кўриниши ҳисобланади.

2. ОАВ матни олам моделини акс эттиради, матнлар жамлиги эса, муайян давр маданиятини намоён этилади.

3. Журналистик матн бир неча таркибий қисмлар – журналист, чоп этувчи ва ўқувчи, аудитория ўзаро фаолият юритувчи ҳаракатдаги системанинг муҳим элементи сифатида ўзига хос тушунчадир.

4. Журналистик матн, бу – дискурс, матнни тушунишда зарур бўладиган матндан ташқари эскралингвистик омиллардан (дунё тўғрисидаги билим, фикр, адресат мақсади) ҳам ташкил топган мураккаб коммуникатив тушунча.

5. ОАВ матнининг яратилиши адабий тил вазифалари ва белгилари ҳақида

тўхталиш керак.

Ҳозирги вақтда когнитив тилшуносликда кенг тарқалган методлардан бири фрейм таҳлили ҳисобланади. Лингвокогнитологияга кўра, ҳар қандай матн маълум бир фрейм ифодасидир. Фрейм назариясини яратган олимлардан бири М. Минский унга шундай таъриф беради:... “фрейм – стереотип вазиятларни намоён қилиш усулларида бири ҳисобланиб, ҳар қандай фреймда кўпқиррали ахборот ўзаро боғланган бўлади” [Минский М. 1988; 289]. Бинобарин, фрейм у ёки бу типик вазиятнинг кенг ҳажмли прототиби бўлиб, матн яратилиши жараёнида когнитив контекст вазифасини бажаради. “Матн яратилиши тадқиқида когнитив тузилмалардан бири бўлган *семантик гештальтлар* назарияси тилнинг луғавий сатҳини ўрганишга татбиқ этилган” [Караулов Ю.2001; 263]. Гештальт ҳодисасини матн билан боғлаб ўрганувчи тадқиқотлар сони эса жуда оз. Ваҳоланки, ҳар қандай матн яратилиши “бутундан – бўлакка” жараёнини акс эттиради. Проф. Ш. Сафаров фикрига кўра, гештальт ва матн яратилишини узвийликда тадқиқ этиш долзарб масаладан биридир.

Тилшуносликда сўнгги йиллари **лингвокультуроология, эколлингвистика, когнитив лингвистика** каби йўналишлар пайдо бўлди. Етакчи йўналиш сифатида “лингвокультуроология (лот. *lingua* – тил + лот. *cultura* – ишлов бериш + юн. *logos* -таълим) тилшунослик, маданиятшунослик, этнография психоллингвистика соҳалари ҳамкорлигида юзага келган, тилнинг маданият, этнос, миллий менталлик билан ўзаро алоқаси ва таъсирини парадигма тамойиллари асосида ўрганувчи соҳадир” [Сабитова З. 2013; 8-9]. Тадқиқодчиларнинг таъкидлашича, мазкур соҳа XX асрнинг сўнгги чорагида шаклланди, “лингвокультуроология” термини эса В.Н. Телия раҳбарлигидаги Москва фразеологик мактаби томонидан олиб борилган тадқиқотлар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлди. Лингвокультуроологиянинг юзага келиши ҳақида гап кетаркан, барча олимлар бу назариянинг илдизи В.фон Гумбольдга бориб тақалишини таъкидлайдилар. Тилшуносликда бу йўналишнинг шаклланишида А.А.Потебня, Л.Вайсгербер, Х.Глинц, Х.Хольц, У.Дю Уитни, Д.У. Пауэлл, Ф.Боас, Э.Сепир, Б.Л.Уорф каби тилшуносларнинг қарашлари муҳим аҳамият касб этганлиги таъкидланади.

ОАВ матнида тил ва маданиятнинг ўзаро таъсири кўп тилшунослик соҳаларида ҳам ўрганилади. В.Н. Телия бу ҳақда шундай ёзади: “Лингвокультуроология инсоний, аниқроғи, инсондаги маданий омилни тадқиқ этувчи фандир. Бу эса шуни билдирадики, лингвокультуроология маркази маданият феномени бўлган инсон тўғрисидаги антропологик парадигмага хос бўлган ютуқлар мажмуасидаир” [Телия В.1999;222]. Г.Г.Слишкиннинг фикрига кўра, “Лингвокультуроология инсон омилига, аниқроғи, инсондаги маданият омилига йўналган. Лингвокультуроология марказининг маданият феноменидан иборат бўлиши инсон ҳақидаги фаннинг парадигмага тегишли ҳодиса эканлигидан далолат беради” [Слышкин Г. 2000;128]. Лингвокультуроологиянинг ўрганиш объекти ҳақидаги фикрлар борасида бир тўхтамага келинган бўлса-да, айрим мунозарали қарашлар ҳам йўқ эмас.

Лингвокультуроологиядаги матн билан боғлиқ яна бир ҳодиса бу прецедент

матн масаласидир. Тадқиқотчи О.Е. Артемованинг сўзлари билан айтганда, прецедент жанрлар маданий ахборотнинг “аккумулятори” дир [Артемова О. 2004; 24].

“Маданият, халқ тафаккури, унинг оламни идрок этишидаги ўзига хос жиҳатларнинг тилда акс этишини ўрганиш лингвокультурологиянинг асосий мақсадидир” [Сабитова З. 2013;10]. Мазкур соҳанинг объекти тил ва маданият, предмети эса ўзида маданий семантикани намоён этувчи тил бирликлари ҳисобланади. Шу ўринда, лингвокультурологияда маданий ахборот ташувчи тил бирликлари тадқиқ этилади. Бундай тил бирликлари *лингвомаданий бирликлар* термини остида бирлашади.

Лингвокультурология эса тил ва маданият ўртасидаги мунособатни этник менталитетнинг тилда ифодаланиши ва амалга ошишини тадқиқ этади. Лингвокультурологиянинг асоси – конкрет маданий концептларнинг семантик белгиларининг ўзига хос хусусиятларини системага солишга қаратилган.

Маълумки, фраземалар иккинчи номинация маҳсули саналиб, улар тўғридан-тўғри халқнинг, миллатнинг миллий менталитети, дунёқарашини ўзида ёрқин акс эттиради. Яъни миллий-маданий ахборотни қабул қилиш ва уни хотирада сақлашда фраземалар ҳам асосий манбалардан бири саналади. Чунки фраземаларнинг акс эттирган образлари миллий дунёқараш нормаси таркибига киради. Лингвомаданий тадқиқот доирасига кирувчи когнитив йўналиш нафақат когниция имкониятларидан фойдаланади, балки шаклланаётган фразема маъносига маданий маъно ҳам юклайди. Лингвомаданий йўналишда фраземалар бир неча тадқиқотлар учун объект вазифасини ўтаган. Фраземаларни лингвомаданий йўналишда таҳлил қилишда когниция атамаси алоҳида аҳамият касб этади. Унинг муҳимлиги шундаки, бунда когнициянинг хоссасига нафақат тузиш, яратиш, балки йиғилган билим структурасини шакллантириш ҳам киради. Бошқача айтганда, когниция тил имкониятларини янги дунёқараш тасвирлари билан моделлайди. Бу жараёнда когниция тушунчаси "одатдаги, кундалик онг" тушунчасига яқинлашади. Тил кўринишларини қолипчи моделлашда "одатдаги онг" тушунчаси реал, эмпирик ва символик аҳамият касб этади.

Мифлар ва лисоннинг яқинлашуви масаласи Э.Кассирернинг бир қатор ишларида таҳлил этилган. Чунончи унинг таъкидлашича, мифологик ва лисоний олам структураси бир хил ақлий кўринишга кўра тушунилади, аниқланади. Инсон дунёни билишга интилар экан, ўз-ўзидан янги тушунча ва тасаввурлар пайдо бўлади. Инсон онгида бу тушунча ва тасаввурлар янгидан янги фраземаларнинг шаклланишига асос бўлади. Масалан, "олов" архетипи асосида шаклланган "кўзлари чакнамоқ"(кимга) – нафрат, қаҳр туйғуси билан қараш; "кўзлар ёнмоқ"(кимда, нимага) – кучли иштиёқ билан қараш. Фраземанинг мазмун жиҳати ҳам ўзига хос тарзда воқе бўлади. Мисол учун: **кўз(и) очилди** – мисоли оддий, одатдаги бирикма деб қаралса, унинг мазмун жиҳати таркибидан иборат бўлади: қараш аъзосини очик ҳолатга келтириш тушунилади. “Бу бирлик шундай маъноси билан фраземага тенг бўлмайди, тўғри маъноли бирикма деб юритилади” [Раҳматуллаев Ш. 2002; 24]. Бундай бирикма фраземага тенг

бўлиши учун ундан умумлашма кўчма маъно англашилиши лозим (“яхши ёмонни тушунадиган қил-”). Ана шундай маъно бундай синтактик бирликка яхлитлигича бириктирилади, ундан яхлитлигича англашилади. Шунга кўра, бундай бирлик яхлитлигича тил бирлиги деб қаралади. Ифода жиҳатида ҳам, мазмун жиҳатида ҳам ўзига хос белги-хусусиятлари мавжудлигини инобатга олиб фразама тил бирликлари қаторига киритилади.

У ёки бу тилнинг фразеологик фонди шу тил эгалари ҳақида аҳамиятли, муҳим маълумотларни бера олади ва дунёни мифологик, эмпирик ва ҳиссий билиш имкониятлари билан шартланади. Дарҳақиқат, фраземалар образлари миллий умумий хусусиятлар, ҳолатлар, ҳаракат-жараёнлар, ҳис-туйғу қабиларга эгадир. Фраземаларнинг образли асоси миллий эталон – архетип, қолип, ўхшаш исм ва матнларни ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Фраземалар лингвомаданий йўналишда икки хил аспект ёки йўналиш доирасида ўрганилади: а) синхрон йўналишда ва б) диахрон йўналишда. Фраземаларни синхрон йўналишда ўрганиш В.Н.Телия ҳамда унинг шоғирдлари томонидан амалга оширилмоқда ҳамда бу соҳада салмоқли ютуқлар қўлга киритилди.

Уларнинг фикрича, “лировомаданий йўналиш – бу этнолингвистиканинг бир қисми бўлиб, тил ва маданиятнинг ўзаро алоқасини синхрон тарзда ўрганади ҳамда тавсифлайди” [Телия Н. 1996; 217]. Рус тилшуноси В.А.Маслова эса лингвомаданий йўналишда фраземаларни диахрон йўналишда ўрганишни афзал кўриб, кўпгина тадқиқотларни амалга оширди. Унинг фикрича, “мифлар асосида шаклланган фраземаларда этномаданий ахборотни кўриш ва уни тушуниш мумкин” [Маслова В. 1997;84]. Худди шундай фикрлар фраземаларнинг лингвомаданий таҳлилида Алиференко ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида ҳам учрайди. Фраземаларнинг лингвомаданий таҳлилида синхрон ва диахрон йўналишларни бир-биридан фарқлаш асосли тадқиқот натижаларини олишга ёрдам беради. Бир тарафдан фраземаларнинг лингвомаданий таҳлили тарихий-этимологик таҳлилга ўхшаб кетади. Тарихий-этимологик таҳлилнинг мақсади маданий атамаларнинг номланиш сабаблари ва этимологияси келиб чиқишини текширишдан иборат бўлса, лингвомаданий таҳлил эса ундан фарқли равишда нафақат фраземаларнинг тарихий келиб чиқишини, балки уларнинг маданий макон билан ўзаро узвий алоқасини аниқлашга ёрдам беради. Ўзбек тилидаги фраземаларни синхрон аспектда ўрганиб, қисман диахрон аспектда таҳлил қилинса, лингвомаданий жиҳатдан муайян хулосаларга келиш мумкин. Шу асосда фраземаларнинг шаклланиш жараёни, уларни идрок этиш давр тил эгаларида ҳамда ўтмишдаги тилда қандай акс этганлигини аниқлаш мумкин бўлади. Фраземаларни лингвомаданий йўналишда таҳлил қилганда диахрон йўналишга эҳтиёж сезилиши табиий ҳол, албатта. Чунки бу йўналиш дунёнинг мифологик моделига кирувчи маданий ахборотни очишга хизмат қилади. Чунки фраземалар семантикасида ифодаланган тасаввурнинг маданий аҳамияти тарихан қандай эканлигини билиш муҳимдир.

Дунёнинг мифологик образи умумий тушунча бўлиб, ҳар бир миллат, халқ уни ўзича тасаввур қилади. Шунга кўра такрорланмас ва ҳар бир миллат-

нинг ўзига хос миллий маданияти вужудга келади. Бунга турли хил диний маросимларва тупли расм-русмларни кўринишлар, иримлар, байрамлар, киритиш мумкин. Ўзбек тилида "кўл олмоқ" фраземаси мавжуд. Кўл олишнинг маънолари кўп. Кўл олиб кўришиш, сўрашиш, кўл олиб иш бошлаш, кўл олиб мурид бўлиш, сиғиниш ва бошқалар. Ўзбек халқи бу фраземага алоҳида ҳурмат билан муносабатда бўлади. Яъни кўл берган устозига, пирига шаккоклик қилиш, унинг кўнглини оғритиш, ранжатиш катта гуноҳ саналади. Ҳаётда бу сингари шаккок кимсаларнинг ҳеч қачон бири икки бўлмай, уларнинг косаси оқармайди деган тасаввур бор. Ислон мамлакатларининг барчасида, яъни мусулмон халқларида бир ибора бор. Ўғил фарзанднинг "кўлини ҳаллоллашади". Унга атаб хатна ва суннат тўйлари ўтказилади.

Фраземалар образлар системаси – эталонлар, миллий-маданий талқин (интерпретация)ларнинг предмети саналади. Эталон дейилганда предметларининг ўзгарувчан хоссалари ва хусусиятлари тушунилади. В.Н.Телиянинг фикрича, эталон – бу образли шаклда ифодаланган нарса-ҳодисаларнинг ўлчови, даражасидир. Қисқача қилиб айтганда, эталон бу қиёслаш, таққослаш учун намуна, асос бўлиш демакдир. Фраземалар семантикасида ҳайвон ва қушлар образлари эталон сифатида кўпроқ намоён бўлади. Масалан, "калхат кўз", "бургут кўз", "қирғий кўз" каби фраземаларнинг ҳаммасида қуш кўзи ва инсон кўзи ўртасидаги ўхшашликлар ўзаро таққосланади. Шу асосида шаклланган фраземаларнинг барчасида "кўзи ўткирлик" семаси мавжуд. Айрим ҳолларда фразеологик образ шаклланиши жараёнида сўз-компонентларининг эталонлик вазифаси сақланади, шу тўғрисида улардаги маданий маъно ҳам ўз кучини йўқотмайди. Масалан: арслон юрак (шерюрак, қоплон юрак) – қуён юрак каби. Маълумки, қуён ўзбек халқи менталитети учун кўрқоқ ҳайвонлардан бири саналади, бунинг устига унинг кўриниши ҳам жуда кичик. Шу сабабли қуён юрак дейилганда, бизнинг тасаввуримизда кўрқоқ, сал нарсага ҳадиксирайдиган киши қиёфаси гавдаланади. "Шер эса ҳайвонлар шоҳи, улар орасида энг кучли жонивордир. Бу ҳайвон ўз салобати, важоҳати, зўрлигию қудрати билан турли нақл, матал ва афсоналар қаҳрамони бўлиб келган" [Раҳматуллаев Ш. Ўша китоб; 30]. Одамлар орасида тўғрисиқ, адолатли, мард, танти, жасур ва паҳлавон кишиларга нисбатан шу сифат қўлланади. Ҳайвонлар образини эмприк идрок этиш жараёни уларнинг мифологик тавсифини мураккаблаштириши ҳам мумкин. Масалан, кўзнинг ўткирлиги ва жисмоний кўриниш кўпчилик қушларнинг архетипик характерида шаклланади: бургут кўз, қирғий бурун каби. Кўзнинг кичкиналигига нисбатан "биткўз", шакли қўйнинг кўзиникига ўхшаса "қўйкўз", мушукникига ўхшаш кўзларга эса "мушуксимон кўз" каби фраземалар ишлатилади.

В.А.Маслованинг фикрича, кўпчилик ҳинд-европа халқлари қушларни севган ва уларга алоҳида ҳурмат билан қараган. Айнан қушлар улар учун шамол, чакмоқ, ёруғлик тимсоли бўлиб хизмат қилган. Шу сабаб кўпчилик қуш номлари фраземалар таркибига кирган ва улар таркибида ижобий "маданий коннотациялар"ни ифодалашга хизмат қилади. В.Н.Телия фикрича, "маданий коннотация" атамаси лингвوماданий тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бу “маданий тушунча ва категориялар маъносининг денотатив ёки образли, асосли аспектдаги талқини ёки интерпритациясидир” [Телия В. 1999; 13-25].

ХУЛОСА

Юқоридаги таҳлиллардан фраземалар маданий белги вазифасини ўташ имкониятига эга эканлиги кўринади. Бу биринчи навбатда муайян бу халқнинг фразеологик образлари асосида воқеликнинг у ёки бу жиҳатини намоён қилувчи эталон кўринишлар ётади. Шундай қилиб, лингвомаданий йўналиш фраземалар семантикасини ўрганиш имкониятларини янади кенгайтиради. Бу йўналиш фраземагния маданий бирлик сифатида ўрганади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Abdullayev D. Til madaniyatida somatik frazemalarning vazifadoshligi xususida // Xorijiy filologiya, 1(38) 2011. 9-11 b.
2. Ziyayev A.I. Ingliz tilida soʻz maʼnolarini kuchaytirishning lingvokognitiv aspekti. Nomzodlik diss. avtoref. Samarqand, 2009.
3. Maslova V.A. Lingvokulturologiya. –M.: Akademiya, 2001. -208 s.
4. Maslova V.A. Vvedeniye v lingvokulturologiyu. –M.: Naslediye, 1997. -207 s.
5. Mahmud Sattor. Oʻzbekning gapi qiziq. Toshkent: Fan, 1994. 172 b.
6. Sukolenko N.I. Otrajeniye obidennogo soznaniya v obraznoy yazikavoy kartine mira. – Kiyev: Naukova dumka. 1992. -164 s.
7. Teliya V.N. Pervoocheredniye zadachi I metodologicheskiye problem issledovaniya frazeologicheskogo sostava yazika v kontekste kulturi // Frazeologiya v kontekste kulturi.-M.: Yaziki russkoy kulturi, 1999. s.13-25.
8. Sabitova Z.K. Lingvokulturologiya: Uchbnik-M.: Flinta: Nauka, 2013. -S.10.

REFERENCES

1. Abdullayev D. The role of somatic phrases in the language culture // Foreign philology, 1(38)2011. 9-11p.
2. Ziyayev A.I. The lingvocognitive aspect of strengthening the meaning of words in English. Candidate diss. Samarkand, 2009.
3. Maslova V. A. Introduction to Linguoculturology. M.: Heritage, 1997. -207 p.
4. Mahkmud Sattor. Phrase of Uzbek is interesting. Tashkent: Subject, 1994. -172 p.
5. Maslova V. A. Lingvoculture. - M.: Academy, 2001.-208 p.
6. Sukolenko N. I. The reflection of everyday consciousness in the figurative linguistic picture of the world. Kiev. Naukova dumka.1992. -164 p.
7. Teliya V.N. Priorities and methodological problems of the study of the phraseological composition of the language in the context of the culture // phraseology in the context of culture M.: Languages of Russian culture, 1999. -13-25 p.
8. Sabitova Z. K. Lingvoculture: - M.: Flinta: Nauka. 2013. -10 p.